



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 4-sentabr. Seshanba 107 (31.539) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Ўқувлар таъсирчанлигини ошириш

партия ташкилотлари ишини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИШИ, ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИШИДА АЪЗОЛАР, ЭЛЕКТОРАТНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ЎзХДП СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН СЕМИНАРЛАРДАН АЙНАН ШУ МАҚСАД КЎЗЛАНГАН.

Партия Марказий Кенгаши ва маҳаллий партия ташкилотларида 2011 йил ва жорий йилнинг шу даврига қадар 7 мингга яқин ўқувлар ташкил этилган. Фарона вилоятида ҳам сиёсий семинарларни юқори савияда ташкил этиш, унда замонавий усуллар, интерфаол технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Машгулотларда демократик ислохотларнинг янги босқичи ва унда

партия ташкилотларининг амалий иштироки, сиёсий фаоллик ва фуқаролик масъулиятини оширишда партия тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги каби долзарб мавзуларни ёритилиши ўз самарасини бермоқда. Буни партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ошиб, жамиятда бўлаётган янгиланишлар ва демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганида ҳам куриш мумкин.

Партиялараро баҳс

Ўзликдеп АМАЛИЙ БАҲС ЮРИТИШГА ҚИЙНАЛАЁТГАНГА ЎХШАЙДИ

«XXI asr» газетасининг 2012 йил 23 август сониде эълон қилинган «Модернизация жараёни ва сиёсий партиялар» сарлавхали мақолада билдирилган фикрлар устида чуқурроқ ўйланса, улар ҳақиқатдан узоқлиги ойдинлашади

⇒ 2

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ

Имкониятидан унумли фойдаланиш керак

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА «ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. ЯҚИНДА АНА ШУНДАЙ ТАДБИР СУРХОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

⇒ 2

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ТРЕНДИДА

Ўзбекистонлик интернетдан фойдаланувчи ёшлар Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан 500 миллиондан ортиқ аъзоси бўлган «Twitter» микроблоглар ижтимоий тармоғида #uzb21 ёзувини жаҳон трендида чиқарди.

Энг кўп ёзилган ҳамда фойдаланувчилар томонидан муҳокамага сабаб бўлган сўз «Twitter»да трендга чиқади. Бунинг учун бир секундда 60 та одам #uzb21ни ёзиши керак. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ёзувнинг оммалашуви, кўпчилигининг унга қизиқишига сабаб бўлади. #uzb21ни трендга чиқариш учун юртимиздаги интернет фойдаланувчилари жуда катта қўламадаги ишни амалга оширганлар.

Мен ҳам бу муҳим ақцияда фаол иштирок этдим. Дастлаб 31 август куни уриниб кўрдик. Аммо мақсадимиз амалга олмади. 1 сентябрь куни соат 14-10 да нихоят тренд

забт этилди. Ўзбекистонлик ёшлар ўз мақсад, орзуларини бутун дунёга намойиш этди: «Бирлашиб биз, катта кучмиз».

— Ўзбекистон ёшлари ўзларининг нима-ларга қодир эканликларини амалда исботлади, — дейди **Kun.uz** интернет нашри раҳбари **Мухрим Аъзамхўжаев**. — «Twitter»нинг ўзи биз учун қандайдир техник қу-

Worldwide Trends - Change
#SomethingICantDealWith
#PotterheadsAreGoingHome
#uzb21
Hoşgeldin Eylül
Bye August
LaguLadyGaga BadRomance
Solving The Developer Deficit In The Cloud
Morning Nialler
IVA
Soccer AM

лайлик, имконият яратиб бермаса трендга чиқилишининг асло имкони йўқ, деб ҳисоблайдиганлар кўп эди. «Twitter»дан фойдаланувчи ўзбекистонлик ёш ватанпарварлар ҳеч бир техник қўмақсиз, ўз ташаббус ва ҳаракатлари, фидойиликларини намойиш этиб, #uzb21 ёзувини тарихий воқеаликка айлан-тира олди.

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами муносабати билан йўлланган табригида шундай сўзлар бор:

Ўз куч-гайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюқ Ватанимиз қудратига суюниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир галабанингиз — юртимиз галабаси, Ўзбекистон галабасидир!

Темур АъЗАМ,
«Ўзбекистон овози мухбири»
www.twitter.com/TemurAzam

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига

муштаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриклирини йўллашган:

Ҳиндистон Республикаси Президенти
Канада Генерал-губернатори
Қозоғистон Республикаси Президенти
Грузия Президенти
Италия Республикаси Президенти
Польша Республикаси Президенти
Венгрия Президенти
Чехия Республикаси Президенти
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи
Ўмон Султони
Қатар Давлати Амири

Пранаб МУКЕРЖИ;
Дэвид ЖОНСТОН;
Нурсултон НАЗАРБОВЕВ;
Михаил СААКАШВИЛИ;
Жоржо НАПОЛИТАНО;
Бронислав КОМОРОВСКИ;
Янош АДЕР;
Вацлав КЛАУС;
АБДУЛЛОҲ II;
Кобус бин САИД;
Шайх Ҳамад бин Халифа
Ол СОНИЙ;

Қатар Давлати Бош вазири,
Ташқи ишлар вазири
Индонезия Республикаси Президенти
Бангладеш Халқ Республикаси
Президенти
Шри-Ланка Демократик Социалистик
Республикаси Президенти
Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти
«Лукойл» компанияси Президенти

Шайх Ҳамад бин Жосим
бин Жобир Ол СОНИЙ;
Сусило Бамбанг ЮДХОЙОНО;
Зиллур РАҲМОН;
Махинда РАЖАПАКСА;
Тейн СЕЙН;
Вагит АЛЕКПЕРОВ.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Янги ўқув йилинги қутлуғ бўлсин!



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

Кеча мамлакатимизнинг мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, институт, университет ва академияларида 2012-2013 ўқув йили бошланди. Барча ўқув юртларида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» гоёсини мужассам этган мустақиллик дарслари бўлиб ўтди.

Юртимиздаги 9763 та мактабда чалинган биринчи кўнгирак 500 минг нафардан зиёд 1-синфга қабул қилинган болажонларимизга ўқув даври бошланганидан дарак берди. Уларнинг ҳар бирига тантанали маросимда дарслик ва ўқув қуроллари солинган Президент совгалари топширилди.

⇒ 4

СУРХОНДАРЁ: БЕҚИЁС БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2410,33	1 Дания кронаси	325,15	1 Ҳитой юани	303,62	1 Туркия лираси	1060,54
1 АҚШ доллари	1926,04	1 БАА дирҳами	524,42	1 Украина гривнаси	240,97	1 Швейцария франки	2017,22
1 Россия рубли	59,14	1 Миср фунти	315,90	1 Малайзия рингити	618,91	10 Жанубий Корея вони	17,03
1 Австралия доллари	1975,35	1 Исландия кронаси	15,81	1 Польша злотийси	581,29	10 Япония иенаси	246,17
1 Англия фунт стерлинги	3055,47	1 Канада доллари	1954,58	1 СДР	2931,45		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Шукроналик

● ФАРОВОН ҚУНЛАРГА ШУҚР ҚИЛАМИЗ...

4-бет

Муносабат

БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ

яна бир дадил қадам



Саттор РАХМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси.

бҳасиз. Чунки, халқимизга энг олий бахтни Мустақиллик берди. Бу фикрнинг исботини пойтахтимиздаги Миллий богда Президентимиз табрик сўзини тинглаётган кишиларнинг юзидан ички мамнуният, шукроналик, ўз ҳаётдан розилик акс этиб турганида ҳам кўриш мумкин эди.

Ўтган йигирма бир йил давомида аввало халқимизнинг онгу тафаккурида улкан зврилиш юз берди. Бу эса ҳаётимизда ўз аксини топиб, юртимизда бекиёс ўзгариларга хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, биз кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган улқадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини химоялашга қодир бўлган қудратли мамлакатга айландик.

Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида таъкидлаганидек, «Ўтган давр мобайнида биз олдимизга кўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан кўлга кирит-

ган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқро майдонда этироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чеҳраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди».

Дарҳақиқат, биз хали бундан улкан марраларни кўлга киритишимиз зарур. Шиддат билан ўзгараётган даврда бу осон эмас, албатта. Бироқ халқимизнинг салоҳияти ошиб, биз шу вақтгача кўлга киритган ютуқларимиздан-да катта ишларга қодир бўлиб бормоқдамиз.

Глобаллашув жараёнларининг кескин талабларига, дунё бозоридан кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган иқтисодиётни шакллантириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш олдимизда турган асосий вазифа этиб белгиланди.

Халқимизнинг жаҳон микёсидаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш ана шу вазифаларни қай даражада амалга оширишимизга бевосита боғлиқдир. Шу боис қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, ҳар биримиздан зиммамизга оқлатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиб, тарихий эзгу мақсад йўлида фидойий меҳнат қилиш талаб этилаётганини унутмаслигимиз керак.

ЎЗ-ЎЗИДАН АЁНКИ, КИШИЛИК ТАРИХИДА ДАВЛАТЛАР ШАКЛЛАНИШИ УЧУН ЙИГИРМА БИР ЙИЛ ЖУДА ҚИСҚА МУДДАТДИР. ЛЕКИН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ШУ ДАВР МОБАЙНИДА ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ЮЗ ЙИЛЛАРГА ТЕНГ БЎЛГАН МАСОФАНИ БОСИБ ЎТДИ.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида босиб ўтган тарихий йўлимизга ана шундай холис баҳо берди.

Инсон босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилиб, таҳлил этиб, ҳулосалар чиқариб яшайди. Бугун ҳар бир ватандошимиз ўз умрининг сўнгги йигирма бир йилига назар солса, ҳаётининг энг бахтли, саодатли кунларини кўриши шу-

ЎзЛиДеП АМАЛИЙ БАҲС ЮРИТИШГА ҚИЙНАЛАЁТГАНГА ЎХШАЙДИ

КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЭНГ МУҲИМИ, АҲОЛИ КЕНГ ҚАТЛАМИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР.

ЎзЛиДеП нашри «XXI asr» газетасининг 2012 йил 23 август сониде эълон қилинган «Модернизация жараёни ва сиёсий партиялар» сарлавҳали мақолада билдирилган фикрлар устида чуқурроқ ўйланса, улар ҳақиқатдан узоқлиги ойдинлашади. Аслида либераллар куйидаги даъвои биринчи марта илгари суралган йўқ:

«Агар ЎзХДП фаолиятига доир янгилик ва ахборотлар таҳлил этилса, айнан мазкур партия электорати билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган маълумотлар деярли учрамаётганига гувоҳ бўламиз. Партия нашри таҳлилларида эса асосан бўлажақ тадбиркорларга банк сертификатлари тарқатилаётгани-ю, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор акс эттириляётганини кўриш мумкин. Лекин партия дастурида қайд этилган кўплаб муаммолар масалалар негадир эътибордан четда қолмоқда».

Аммо ЎзХДП маҳаллий ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан танишилса, бу гап асоссиз эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Биргина ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижроси бўйича қатор амалий ишлар қилинди.

Ўтган йилнинг ўзида электорат манфаати билан боғлиқ 49 та масала туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи йиғилишларида муҳокама этилган бўлса, 23 та масала доимий комиссияларда кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар белгиланди. Маҳаллий Кенгашнинг умумий муҳокамасига қўйилиши зарур деб топилган 20 та муҳим масала сессияларга олиб чиқилди.

Натижада аҳолини иш билан таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлашти-

риш, пенсия ва нафақа тайинлаш, ижтимоий химоя қилиш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдириш, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

ЎзЛиДеП дастурида эса хусусий мулкчилик етакчи ўрин тутган кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш партиянинг иқтисодиётни либераллаштириш соҳасидаги устувор вазифаси сифатида қайд этилган. Партия давлатда йирик мулкдорлар қатламининг мавжудлиги жамиятда барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашга хизмат қилади, деб билиши белгилаб қўйилган.

Унга кўра, бу партия тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратиш, мазкур қатлам фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил бўлиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этилишига эришиш учун курашади.

Шундан келиб чиқиб, ЎзЛиДеП ўз дастурида иқтисодиётни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қатор вазифаларни қайд этган. Масалан, мамлакат иқтисодиётининг тез орада модернизациялашувини ҳамда сифат жиҳатдан янгилаанишини амалга ошириш учун хорижий сармоялар ва илгор технологиялар жалб қилинишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сармоялар оқимини таъминловчи, уларнинг оқилонга тақсимооти ва фойдаланилишини амалга оширувчи самарали иқтисодий тизим яратилишига кўмаклашиши алоҳида белгилаб қўйилган.

Бунда сармояларни жалб этиш сиёсати юқори технологияларга асосланган ишлаб

чиқариш соҳалари ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи лойиҳаларни молиялаштириш, давлатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, ички бозорни аҳоли учун арзон, маҳаллий, рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш каби йўналишлар қамраб олинишини эътироф этади.

Либераллар ўз гоёсига асосан шу вазифаларни қайд этади-ю, лекин ривожланишининг ўзбек моделига асос бўлган беш тамойилнинг бири кучли ижтимоий сиёсат юритиш эканини ёддан чиқаради. Бу ўринда кишини ўйлантирадиган жиҳат шуки, хўш, йирик мулкдорлар қатламини шакллантириш жараёнига аҳолининг кам таъминланган қисми қандай мослашади?..

Маблаг йўқ, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун даромади етарли бўлмаган киши қандай қилиб йирик мулкдорга айланади? Бунинг учун дастлаб кишиларда бошланғич сармояни шакллантириш, уларнинг кичик бўлса-да, ўз ишини бошлаши, даромадини ошириш учун шароит яратиш лозим.

Шу боис ЎзХДП Дастурида хомашёни тўплаш ва бирламчи ишлов бериш бўйича, шунингдек, катта сармоя талаб қилмайдиган косибчилик, халқ хунармандчилиги ва касаначиликни ривожлантириш орқали иш ўринларини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида иқтисодий конъюктура тебранишларига тезкорлик билан муносабат билдирадиган ва ўз фаолиятини ташкил этиш учун ресурсларни кўп талаб қилмайдиган, меҳнат қилишининг энг қулай жаҳаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига иш ўринларини яратишни фаоллаштириш кўзда тутилган. Бу маълумоти, малакаси ва ишлаб чиқариш таърибаси етарли бўлмаган ишга лаёқатли аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда яна бир марта либераллар учун тақоррлашга тўғри келади. Банк сертификатлари ўз мустақил ишини бошламоқчи бўлган электоратимиз вакилларига ўз-ўзидан топширилаётгани йўқ. Бу ташаббус ўтган йили партиямиз Марказий Кенгаши томонидан кўтарилиб, Марказий банк раҳбариятига мурожаат қилинган эди. Улар тақлимизни қўллаб-қувватлашди ва ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий форумлар ташкил этилди. Жорий йилда эса ана шундай тадбирлар асосан касаначиликни ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган, аммо меҳнатнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган кишиларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишига кўмаклашиш мақсадида ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси ЎзХДП Дастури, Сайловдаги дастури ижроси билан бевосита боғлиқдир.

ЎзЛиДеП вакиллари эса бу ҳақиқатни кўра билиб туриб, тан олишни исташмаётгани, масалага ноҳолис ёндашуви, энгилли тортитувларга мойилликларидан кўришиб турибдики, либераллар амалий баҳс юритишга қийналаётгани аҳолининг кам таъминланган қисми қандай мослашади?..

Либераллар ўз гоёсига асосан шу вазифаларни қайд этади-ю, лекин ривожланишининг ўзбек моделига асос бўлган беш тамойилнинг бири кучли ижтимоий сиёсат юритиш эканини ёддан чиқаради. Бу ўринда кишини ўйлантирадиган жиҳат шуки, хўш, йирик мулкдорлар қатламини шакллантириш жараёнига аҳолининг кам таъминланган қисми қандай мослашади?..

Маблаг йўқ, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун даромади етарли бўлмаган киши қандай қилиб йирик мулкдорга айланади? Бунинг учун дастлаб кишиларда бошланғич сармояни шакллантириш, уларнинг кичик бўлса-да, ўз ишини бошлаши, даромадини ошириш учун шароит яратиш лозим.

Тўлқин ТЎРАҲОНОВ,
Лазиза ШЕРОВА.

ШАРАФЛИ КАСБ МАСЪУЛИЯТИ

МУСТАҚИЛЛИК БОЛАЛАРИ БУГУН ҲАР БИР СОҲАДА ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ ТАШЛАМОҚДА. АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ СПОРТДАГИ ЮТУҚ ВА МУВАФАҚИЯТЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ШОН-ШУҲРАТИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА. БИЗНИНГ ДАРГОҲДАН ҲАМ КЎПЛАБ ХАЛҚАРО СПОРТ УСТАЛАРИ ЕТИШИБ ЧИҚҚАН.



2008 йили Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи унонига сазовор бўлган эдим. Камтарона меҳнатимиз Президентимиз томонидан яна бир бор эътибор берилиб, Мустақиллик байрами арафасида «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотландим. Бу мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш жуда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаётганини англаиб турибди.

Президентимиз Мустақиллигимизнинг 21 йил-

олимпиадаларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришяпти. Ҳозиргача мактабимиздан 20 дан ортиқ спорт устаси етишиб чиқди. Улардан 4 нафари халқро тоифадаги спорт устасидир.

Ёшларда спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси, ўқувчиларимиз эришаётган муваффақиятлар қалбимизни гуруру ва ифтихорга тўлдириб, янада кўпроқ меҳнат қилишга ундайди.

Бугун энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий мактаблар, касб-хунар коллежлари, халқро меъёрларга жавоб берадиган болалар спортини иншоотлари, мусика ва санъат масканлари қад ростилади. Мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом, ҳуфқирли авлодни воёга етказиш учун барча имкониятлар бор. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Лекин натижалар янада юксак бўлиши учун фидойий меҳнат қилиш, барча спорт мактабларида қатъий интизом бўлиши зарур. Биз машғулотларда шунга эътиборни кучайтиряймиз.

Кўп йиллар давомида тўплаган таърибам, билимим ва имкониятими бундан кейин ҳам ана шу шарафли вазифани бажаришга сарфлайман.

Баҳодир МИРЗАҚУЛОВ,
Пахтакор тумани Болалар ва Усмирлар спорт мактаби директори, ЎзХДП фаоли.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ

имкониятидан унумли фойдаланиш керак



Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган анжуманда электорат билан ишлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, бу борада депутатлар ва бошланғич ташкилотлар фаоллигини кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

— Туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга жиддий эътибор бериши зарур, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Иброҳим Ёқубов. — Хозир вилоятда 742 та БПТ бор. Термиз шаҳар, Музабот ва Қўмқўрган туманларида бошланғич ташкилотларимиз фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бироқ бу борадаги

вазифаларга совуққонлик билан қараб келаятган партия ташкилотлари, йил давомида электорат манфаатига қаратилган бирон-бир ташаббус билан чиқмаган куйи жонлантимириб туриб, электорат билан ишлашда яхши натижаларга эриша олмайдим.

Яна таъкидландики, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишда депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган муурожаатлари ўз вақтида ва самарали ҳал этиш лозим. Бу йилда электорат орасига чуқур кириб борилади, уларнинг манфаати хизмат қилувчи амалий ҳаракатлар кўпаяди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Нисо ХЎЖАМШУКУРОВА

Кашқадарё вилоятида ташкил этилган семинар-тренингда партия ташкилотларининг электорат билан ишлашдаги ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинди, бу борада депутатлар фаоллигини оширишга эътибор қаратилди.

— Сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни ечиш, улар оғирини энгил қилиш учун аввало, депутат фаол бўлиши керак, — дейди вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Олим Равшанов. — Чунки ҳар бир депутат жой-

ларда Қонун ва қарорлар ижроси устидан назорат ўрнатиш, ҳудудлар ривожига ҳалақат бераётган масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориш, бу борадаги тақлимизни доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига киритиш ваколатига эга. Бундан инсонлар манфаати йўлида самарали фойдаланиш зарур.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қарши шаҳар, Деҳқонобод ва Яқкабоб туманларидаги депутатларимиз электорат манфаатларига алоқадор

масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиди. Аммо Миришкор ва Қамаш туманларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг иши яхши эмас. Ишга бундай ёндашув ҳаммамизга қимматга тушиши мумкин. Анжуманда шунингдек, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини кучайтиришга эътибор қаратилди. Кун тартибидеги бошқа масалалар бўйича партия фаоллари ва депутатлар зиммасига аниқ вазифалар оқлатилди.

Музаффар ТУРОПОВ

СУРХОНДАРЁ: БЕҚИЁС БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



— МАМЛАКАТИМИЗ РАХБАРНИНГ ШУ ЙИЛ ИЮНДА ВИЛОЯТИМИЗ ОДАМЛАРИ БИЛАН УЧРАШИБ, ДИЛДАН СУХБАТ ҚИЛГАНИ, СУРХОН ЭЛИНИНГ МЕХНАТИНИ ЮКСАК БАХОЛАБ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИМИЗНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН БЕРГАН МАСЛАХАТИ ҲАМДА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ КУЧИМИЗГА КУЧ ҚЎШИБ, ҚАЛБИМИЗНИ ТОҒДЕК КЎТАРДИ, — ДЕЙДИ «НУРОНИЙ» ЖАМФАРМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ РАИСИ ОРЗИКУЛ СОАТОВ.

— Кечагина колхоз раиси билан гаплашишга ботина олмас эдик. Бугун давлат раҳбари оддий дехқоннинг уйига кириб, бир пиёла чай устида суҳбат кураяпти, қандай яшаётгани билан қизиқаяпти. Мендек ёши бир жойга бориб қолган кексани бағрига босиб, дилдан суҳбатлашаяпти.

Ҳа, бугун воҳада ўзгаришлар катта: такрори йўқ гўзал бинолар қурилмоқда, асрларни «қаритган» қингир-қийшиқ айланма йўллар ўз ўрнини кенг ва раво кўчаларга бўша-тиб бераёпти.

Биргина, Термиз шаҳрини олайлик. Марказий озиқ-овқат бозори ёнидан то темир йўл бекатигача

бўлган масофада мухташам турар-жой бинолари, музей, хиёбон, амфитеатр мажмуаси, маданият ва истироҳат боғлари қад ростлади. Йўл ёқаларида япон сакуриси, каштан каби манзарали дарахтлар, турфа хил гуллар...

5-кичик шаҳарча адоғидаги ташландик майдонни обод қилиш ишлари ҳам Президентимизнинг ташаббуси билан бошланган эди. Ана шу майдонда 11 ярим миллиард сўм маблағ сарфланиб, 10 минг томошабинга мўлжалланган мухташам стадион қурилди. Маълумки, айнан шу стадионда ўтган йили «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўтказилди. Унинг ёнида қад ростлаган



Олимпия захиралари коллежи шаҳар қиёфасини янада безади.

Шаҳарчага олиб борадиган йўл ёқасида авваллари Термиз давлат университетининг кўримсиз бинолари турарди. Улар ўрнини эндиликда университетнинг осмон билан бўйлашадиган замонавий биноси эгаллади. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳайкали ёнида барпо этилган замонавий «Бахт уйи» эса олтин узукка ёқут кўздек жилоланиб турибди.

Айни кунларда «Бобур» номидаги маданият ва истироҳат боғини капитал реконструкция қилиш ишлари авжида. Унга 1 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу ерда етти хилда товланадиган мусиқали фаввора, болалар майдончалари, эртақ қаҳрамонларнинг ҳайкаллари, бошқа турли дам олиш масканлари барпо этилади.

— Шаҳар кўчаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақса-

дида, асосий кўчалар ўртасида темир тўсиқлар ўрнатилиб, йўлнинг хар иккала томони кенгайтирилди, — дейди «Файз» ихтисослаштирилган таъмир қурилиш ташкилоти раҳбари Раҳматулла Аъзамов. — Бу юмушлар учун давлат томонидан 600 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, йил охиригача яна 90 та турли йўналишдаги иншоотлар қурилишига 64 миллиард 334 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Бундай ободонлаштириш ишлари вилоятнинг барча туманларида амалга оширилмоқда.

— Шунингдек, «Янги ҳаёт» маҳалласида бўлоқ суви мажсусу қувурлар ёрдамида беморлар даволанадиган хоналарга етказиб берилмоқда. Мутахассислар фикрича, «Омонхона» сувининг шифобахшлиги Европадаги кўплаб минерал сувлардан, жумладан, «Есентуки» сувидан ҳам устун.

— Буйрак хасталиги туфайли ҳар йили Украинанинг «Трускавец» сихатгоҳида даволанардим, лекин фойдаси бўлмади, — дейди бойсунлик Аҳад ота Норкулов. — «Омонхона»га бир-икки бордим, касалликдан нишона ҳам қолмади. Халқимизда «Қишлоқлар тарово-

Бундан ташқари, 3 минг 500 тонна донни қайта ишлайдиган ун тегиримони, Хуфор қишлоғида кислород ишлаб чиқариш, етти иқлимга донг таратган Дашнабод меваларини қайта ишлаш корхонаси ишга туширилиши натижасида тумanning юзлаб ёшлари иш билан таъминланди.

Мустақиллигимиз 21 йиллик тўйи олдида Бойсундаги «Омонхона» сихатгоҳининг 100 ўринга мўлжалланган даволаниш биноси биринчи навбати ишга туширилиши воҳаликлар учун ажойиб совға бўлди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси қурувчилари томонидан бу ерда 50 ўринли минерал сув ичишга мўлжалланган галлерея ҳамда 240 тонна сувни сақлайдиган замонавий «сув омбори» қурилди.

Эндиликда бўлоқ суви мажсусу қувурлар ёрдамида беморлар даволанадиган хоналарга етказиб берилмоқда. Мутахассислар фикрича, «Омонхона» сувининг шифобахшлиги Европадаги кўплаб минерал сувлардан, жумладан, «Есентуки» сувидан ҳам устун.

— Буйрак хасталиги туфайли ҳар йили Украинанинг «Трускавец» сихатгоҳида даволанардим, лекин фойдаси бўлмади, — дейди бойсунлик Аҳад ота Норкулов. — «Омонхона»га бир-икки бордим, касалликдан нишона ҳам қолмади. Халқимизда «Қишлоқлар тарово-

ти — мамлакат жамоли» деган гап бор. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар ҳам илгари тизилган маржондек кишининг ҳавасини келтиради. Воҳада қарийб 95,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги уй-жойлар барпо этилиб, 1 минг 400 га яқин оила уларга кўчиб ўтди.

Шунингдек, истиқлол йилларида Хонжица полиметалл рудалар қони, пахта хомашёсини қайта ишлайдиган «Шиндонг-Спиннинг» Ўзбекистон — Жанубий Корея, пилани тўлиқ қайта ишлайдиган «Сурхон — Термиз — Силк» қўшма корхоналари қурилди. Минглаб ёшлар иш билан таъминланди.

Хув ана, қурилиш материаллари ортилган машиналар қарвони яна шаҳар йўлларига, туман, қишлоқ кўчаларига қараб йўл олди. Чунки ҳар бир маҳаллада, ҳар битта хонадонда таъмирлаш, бунёдкорлик ишлари бир сония ҳам тингани йўқ. Азму-шижоати баланд, қадамлари шаҳдам воҳа аҳли кўҳна заминни янада обод ва гўзал масканга айлантиришга аҳду паймон қилишган. Бу беқиёс бунёдкорликлар, ўзгариш ва янгиланишларнинг барчаси мустақиллик имконияти туфайли эканини вилоят аҳли яхши билади.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Реклама

Халқимизни Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги билан табриклаймиз.

Юртимизни файзу барака, қалбимизни шоду хуррамлик ҳеч қачон тарк этмасин, азиз юртдошлар!

«ДЕНОВ ВИНО-АРОҚ»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Шукроналик

ФАРОВОН КУНЛАРГА ШУКР ҚИЛАМИЗ

дейди фахр билан кўпни кўрган кексаларимиз

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЧИН МАЪНОДА КЕНГ КўЛАМЛИ ҚУРИЛИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД бўлиб, ШАХАРЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ўЗГАРИБ БОРАЯПТИ. Бундай янгиланишларни, ТАРИХИЙ БУНЁДКОРЛИКНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ кўриш мумкин.

Хоразм вилоят ҳокимлиги «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси меҳнат фахрийлари иштирокида тадбир ўтказди. Унда бир гуруҳ меҳнат фахрийларига вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари яқиндан таништирилди. Саёҳат тарзида амалга оширилган тадбир Амударёда қурилаётган 680 метрлик кўприкдан бошланди.

Матқуб РАЗЗОҚОВ, Хонқа тумани:

Амударёнинг устига мустақам кўприк қуриш ота-боболаримизнинг орзуси бўлган. Қорақалпоқ ва ўзбек халқи учун хизмат қилаётган бу кўприк бўлмасдан аввалги кўрган қийинчиликларимизни биз тенгилар жуда яхши билишди. Узоқ йиллар қаровсиз ётган «Ёшлар кўли» ҳам кўзни қувонтиради. Кўлдаги

оролчада дам олиш учун мўлжалланган масканнинг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Тўғриси, бугунги авлодга ҳавасим келади. Бахтли замонларга етиб келганимга шукр қиламан.

Зухур ҚУРБОНОВ, ЎзХДП фаоли, Хива тумани:

— Кундалик ишлар билан бўлиб кўпдан буён Урганчга йўлим тушмаганди. Ўтган қисқа фурсатда шаҳар анча ўзгарди. Аэропортдан марказий майдонга олиб борадиган Ал-Хоразмий кўчасини кўриб лол қолдим. Бир-бирдан чиройли бинолар қад ростлабди. Йўлларнинг кенг ва раволигини айтмайсизми. Бунёдкорлик ишларидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мана шундай лаҳзаларда бугунги тинч, фаровон ҳаётимизга дилингдан қайта-қайта шукроналар айтгинг келар экан.

Урганч темир йўл вокзали-



да ҳам қурилиш ишлари олиб бориляпти. Йўловчиларга қулай шaroит яратиш учун вокзал ва унга ёндош барча бинолар тўла таъмирланди. 1800 квадрат метр ҳажмдаги айвон, 5000 квадрат метрлик перрон бунёд этилди. Автомобиллар учун тўхташ жойи, хиббарлар, 2 та 4 қаватли ту-

рар-жой биноси қурилди. **Рустам СУЛТОНОВ, Урганч шаҳри:**

— Қасбим қурувчи. Биз ишлаган вақтларда бирорта иншоот қуришининг ўзи бўлмасди. Қоғозбозлик кўплигидан жуда сарсон бўлардик. Шогирдларимга, касбдошларимга ҳавасим келади. Бугун биз яқиндан танишган ул-

кан бунёдкорлик ишлари мустақиллик шарофатидан эканини, яқин ўтмишдаги аҳолиимизни бугунги ёруғ кунлар билан қиёслаб фарзандларимизга, набираларимизга тушунтириб боришимиз керак. Бу ҳақда ҳар бир даврада фахрланиб айтмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздор. **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Эй фарзанд, агар хотин олмоқ тиласанг, ўз ҳурматингни яхши сақлағил. Гарчи мол азиз бўлса ҳам хотин ва фарзандингдин дариг тутмағил. Аммо хотинни покдил, фарзандни фармонбардор ва меҳрибон тутғил, бу иш сенинг қўлингдандур.

Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият билан муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши бўлмас. Агар унга ғайрат(рашк) кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас.

КАЙКОВУС

Лондон — 2012

ҒАЛАБАМНИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

дейди Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида давом этаётган XIV паралимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори Шариф Халилов

ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН СПОРТЧИЛАР ўртасида ўТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗ ШУ ПАЙТҒАЧА МЕДАЛЬ СОҶИБИ БўЛМАГАН ЭДИ. Лондонда ЭСА ДЗДОЧИМИЗ ШАРИФ ХАЛИЛОВ КУМУШ МЕДАЛНИ ҚўЛГА КИРИТИБ, ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ОРАСИДА БИРИНЧИ БўЛИБ ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ СОВРИНДОР, ДЕГАН ШАРАФЛИ НОМГА САЗОВОР БўЛДИ.



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги расмий сайти тажрибали курашчимиздан интервью олди.

— Паралимпия ўйинларига йўл олаётганимда икки карра Олимпиада ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров белимдан маҳкам қисиб, «Биздан ҳам юқори натижаларга эришгин», — дея тилак билдирди. Дунёнинг бугунги кундаги энг кучли дзюдо устасининг бу сўзлари мендаги ғалабага бўлган интилиш хиссини янада оширди.

Эрта тонгда уйғониб, албатта совриндор бўлишим ва барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанамиз мус-

тақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға хозирлашим керак, дея ўз олдимга мақсад қўйдим.

Мамлакатимизда биз спортчиларга кўрсатилаётган катта эътибор, яратилаётган шароитларга муносиб жавоб қилиш учун албатта ғойиблар қаторидан жой олишга аҳд қилдим. Паралимпия ўйинларида кумуш медалини қўлга киритгач, ана шу муваффақиятимни тезроқ оила аъзоларимга етказиш мақсадида онамга кўнгирик қилдим. «Ассалому алайкум, онажон» дейишимни биланман, у киши «Ва алайкум ассалом, болам, кумуш медали муборак, берган сўтимга мингдан-минг розиман», деди. Томоғимга бир нима тик қилгандек бўлди. Кўзларимдан ёш куйила бошлади. Бошқа сўз айти олмадим. Фақатгина «дўстларингга ҳам сенинг йўлингни берсин, уларнинг ҳам менга ўхшаган оналари бор», деганларини эшитдим, холос, — дейди паралимпия ўйинларининг кумуш медали соҳиби Шариф Халилов...

Ҳозирча Ўзбекистон делегацияси ҳисобида битта кумуш медали мавжуд ва умумжамоа ҳисобида Словения ҳамда Хитой Тайпейи билан биргаликда 46-48-ўринларни банд этиб туришибди. Ҳамюртларимиз бу борада Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, Осиё миқёсида эса 7-ўринда боришмоқда.

Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА

ЯНГИ Ўқув йилингиз қутлуғ бўлсин!



Шунингдек, 80 минг нафардан ортиқ кам таъминланган оила фарзандларига кийим-бош тўплами, 10 минг нафардан кўпроқ яқка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар ўқув-қуроллари ва дарсликлар билан таъминланиши юртимиздаги кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ёрқин мисолидир. Яна шунинг

кувонч билан таъкидлашимиз керак, бу йил олий ўқув юр்தларини тугатган 7 мингдан зиёд ёш ўқитувчилар мактабларда ўқувчиларга биринчи сабоқларини беради.

Бугун 1-синфга қадам қўйган болажонларимизнинг шодликлари чексиз. Улар давлатимиз гамхўрлигида баркамол бўлиб воғға етишади, лицей-коллежларда, олий ўқув юр்தларида таҳсил олишади

ва албатта Мустақиллик туфайли юртимизда олиб борилган таълим ислохотлари яратган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлганини гурур билан таъкидлашади.

Мустақиллик фарзандлари! Ўқинг, ўрганинг, изланинг, иқтидорингизни намоён этинг. Сизни Ватан кутмоқда!

Шаҳбоз САИДОВ, ЎЗМУ талабаси.

Тадбир

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1 СЕНТЯБРЬ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ КУНИДА ИИВ АКАДЕМИЯСИДА 1-Ўқув курси ТИНГЛОВЧИЛАРИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



1994 йилда ташкил этилган мазкур даргоҳ ички ишлар идораларининг барча соҳавий хизматларига мутахассис кадрлар тайёрлаб беради. Улар бугунги кунда халқимиз тинчлиги-осойишталигини сақлаш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Бугун ўқув масканида тинглов-

чиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун жаҳон андозаларига мос ўқув ва моддий-техник база яратилган. Бу ерда ўндан ортиқ фан докторлари, профессорлар ва юзга яқин фан номзодлари, доцентлар хизмат қилаётган 24 та кафедра самарали фаолият кўрсатмоқда.

Пўлатхўжа Алихонов синовлардан муваффақиятли ўтиб, тингловчилар сафига қабул қилинганлардан бири. Уни табриклагани ота-онаси Иштихондан келибди.

— Ўғлим устоз-мураббийларидан сабоқ олиб, етук мутахассис кадр бўлиб етишини хоҳлайман, — дейди тингловчининг отаси Эркин Валиев. — Эл-юрт осойишталигини сақлашдек шарафли ва масъулиятли вазифани виждонан бажариб, ишончимизни оқлашига ишонманам.

Айтиш керакки, бу ерда тингловчиларнинг қасамёд қабул қилиши шунчаки расмий тадбир эмас, балки йиғитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга аҳд қилиш маросимидир.

Шунингдек, аънаана мувофиқ, тадбирда аъло ўқиши, намунали хулқи, жамоат ишларидаги фаоллиги билан сафдошларига ўрناк бўлаётган тингловчилар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг стипендианти» Фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	04-05 — 09. 2012
Юртимиз буйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+10 / +15	+25 / +30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+13 / +18	+28 / +33
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+13 / +18	+28 / +33
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+14 / +19	+29 / +34
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+13 / +18	+27 / +32
Тошкент шаҳри	
+9 / +14	+18 / +23
Дунё буйлаб (°C)	
Лондон	+19 / +15
Париж	+18 / +20
Москва	+14 / +14
Мадрид	+19 / +20
Пекин	+22 / +20
Канберра	-1 / +1
Рим	+20 / +19
Афина	+23 / +24
Токио	+28 / +26
Стокгольм	+10 / +12
Кейптаун	+10 / +10
Қоҳира	+22 / +20
Гавана	+25 / +25
Вашингтон	+22 / +21

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАНҲИР НАУ’АТИ:

- | | | |
|---------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodulla ABDULLAYEV | Muslihidin MUHIDDINOV |
| Latif G’ULOMOV | Ulug’bek MUSTAFOYEV | Ochilboy RAMATOV |
| Bobir ALIMOV | Tat’yana KISTANOVA | Saidahmad RAHIMOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | (Bosh muharrir o’rinbosari) | |

BO‘LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko’chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli: Buyuk Turok ko’chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10525
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.35
Toshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5